**“Кварц” акциядорлик жамияти**
**акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг**
**4-сонли**

# БАЁННОМАСИ

*2022 йил 23 декабр*
*соат 10-00*

*Фарғона вилояти, Қувасой шаҳри,*
*Мустақиллик кўчаси, 2а-уй*

“Кварц” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда “Жамият” деб юритилади) акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этаётган акциядорлар ва вакилларга тегишли овоз берувчи акциялар сони 86 633 946 дона. Жами овоз берувчи акциялар сони 96 449 218 дона. **Йиғилиш кворуми 89,81 фоиз.**

---

**Қатнашдилар:**

“UzAssets investitsiya kompaniyasi” АЖ номидан 2022 йил 22 декабр 45-I сонли ишончномага хамда 2022 йил 22 декабр 01/04-3-255 сонли кўрсатмага асосан вакил - Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси бўлим бошлиғи ўринбосари Б.Б.Фарманов;

Жамият акциядорлари ва уларнинг вакиллари (рўйхат илова этилади);

**Таклиф этилганлар:**

Жамиятнинг бошқарув ва назорат органи аъзолари.

## ЭШИТИЛДИ:

Акциядорларнинг умумий йиғилишида жамият Кузатув кенгашининг раиси ҳамда кенгаш аъзолари узрли сабабларга кўра қатнаша олмаганликларини инобатга олиб, Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши раиси этиб вакил Б.Б.Фармановни сайлаш таклиф этилди.

**(Бир овоздан маъқулланди)**

## ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши раиси этиб Б.Б.Фарманов сайлансин.

## ЭШИТИЛДИ:

Йиғилиш раиси – Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши котибини этиб Кварц” АЖ акциядорлар билан корпоратив муносабатларни бошқариш бўлими мутахассиси Ғ.Мамаджоновни сайлаш таклиф этилди.

**(Бир овоздан маъқулланди)**

## ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши котиблигига “Кварц” АЖ акциядорлар билан корпоратив муносабатларни бошқариш бўлими мутахассиси Ғ.Мамаджонов сайлансин.

## ЭШИТИЛДИ:

Йиғилиш раиси - Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Саноқ комиссиясини қуйидаги таркибда:

1. З.Бурханов - "Кварц" АЖ Махсус бўлими бошлиғи;

2. З.Раимбердиева - "Кварц" АЖ Бизнесни стратегик ривожлантириш ва лойихалаштириш бўлими бошлиғи ўринбосари;

3. Г.Илясова - "Кварц" АЖ Бизнесни стратегик ривожлантириш ва лойихалаштириш бўлими иқтисодчиси таклиф этилди.

**(Бир овоздан маъқулланди)**

**ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши саноқ комиссияси қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

1. З.Бурханов - "Кварц" АЖ Махсус бўлими бошлиғи;

2. З.Раимбердиева - "Кварц" АЖ Бизнесни стратегик ривожлантириш ва лойихалаштириш бўлими бошлиғи ўринбосари;

3. Г.Илясова - "Кварц" АЖ Бизнесни стратегик ривожлантириш ва лойихалаштириш бўлими иқтисодчиси.

**Йиғилиш раиси Фарманов Б.Б. Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибини эълон қилди.**

**КУН ТАРТИБИ:**

1. "Кварц" АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.

2. "Кварц" акциядорлик жамиятининг 2022 йил якуни бўйича мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш тўғрисида.

3. "Кварц" АЖ Ижро органи таркибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида.

4. Жамият Уставига хамда "Ижроия органи тўғрисида"ги Низомга киритилган ўзгартиришлар матнини тасдиқлаш.

5. Жамиятнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.

**Йиғилиш кун тартибидаги 1-масала** бўйича *("Кварц"АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишии регламентини тасдиқлаш)* йиғилиш раиси сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунга асосан йиғилиш раиси томонидан кун тартибидаги масалалар бўйича маъруза ва музокарага чиқувчилар учун йиғилиш регламенти маълум қилди.

Йиғилиш кун тартибидаги масалалар бўйича маърузалар учун 10 дақиқагача, савол-жавоблар учун 10 дақиқагача, саноқ комиссияси ишига 20 дақиқа вақт ажратилиши таклиф этилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб таклиф этилаётган йиғилиш регламентини тасдиқлашни жамият акциядорларидан сўралди.

**<u>Йиғилиш кун тартибидаги 2-масала</u>** *("Кварц" акциядорлик жамиятининг 2022 йил якуни бўйича мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш тўғрисида.)* юзасидан "Кварц" АЖнинг 2022 йил фаолиятининг якуни бўйича мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлови натижалари тўғрисида ахборот бериш Танлов комиссия раиси - жамият Бош мухандиси У.О.Халимжоновдан сўралди.

Танлов комиссия томонидан "Кварц" АЖнинг 2022 йил фаолиятининг якуни бўйича молиявий ҳисоботларини аудиторлик текширувдан ўтказилиши ва жамият самарадорлиги мухим кўрсаткичлари (СМК) ҳисоботлари тўғрилигини ўрганиш хизматлари юзасидан аудиторлик ташкилоти танловини ўтказиш ишлари амалга оширилиб, 2022 йил 22 декабр куни танлов ўтказилди. (217904-сонли танлов лоти бўйича харид комиссиясининг баённомаси илова қилинади).

Танлов бўйича берилган эълонга кўра Кварц" АЖнинг 2022 йил фаолиятининг якуни бўйича молиявий ҳисоботларини аудиторлик текширувдан ўтказилиши ва жамият самарадорлиги мухим кўрсаткичлари (СМК) ҳисоботлари тўғрилиги 11 та аудиторлик ташкилотларидан ("TTT-AUDIT" МЧЖ – 113,2 млн. сўм, "ODIL-AUDIT" МЧЖ – 125,0 млн.сўм, "MASLAXAT-AUDIT-M" МЧЖ – 92,0 млн.сўм, "NAZORAT-AUDIT "МЧЖ – 100,0 млн. сўм, "AUDIRES" МЧЖ – 150,0 млн. сўм, "BALANS-INFORM-AUDIT" МЧЖ – 70,0 млн. сўм, "OSIYO-AUDIT" МЧЖ – 97,0 млн. сўм, "SMART-AUDIT" МЧЖ – 120,0 млн. сўм, "FINANCE-AS" МЧЖ – 149,0 млн. сўм, "HIMOYA FAIR" МЧЖ – 148,0 млн. сўм, "MY WORK" МЧЖ – 190,0 млн. сўм,) тижорат таклифлари келиб тушди.

Танлов ғолибини аниқлаш учун таклифлар танлов ҳужжатларида қайд этилган мезонларга асосан баҳолаш натижаларига кўра танлов иштирокчилари томонидан баллар тўпланди ("TTT-AUDIT" МЧЖ – 71,3, "ODIL-AUDIT" МЧЖ – 64,5, "MASLAXAT-AUDIT-M" МЧЖ – 81,2, "NAZORAT-AUDIT "МЧЖ – 77,5, "AUDIRES" МЧЖ – 57,5, "BALANS-INFORM-AUDIT" МЧЖ – 99,1, "OSIYO-AUDIT" МЧЖ – 77,4, "SMART-AUDIT" МЧЖ – 68,7, "FINANCE-AS" МЧЖ – 58,5, "HIMOYA FAIR" МЧЖ – 58,8, "MY WORK" МЧЖ – 50,9 млн. сўм,).

Танлов ҳужжатларида ва таклифда кўрсатилган мезонлар асосида шартномани бажаришнинг энг яхши шартларини таклиф қилган ҳамда юқори балл тўплаган "BALANS-INFORM-AUDIT" МЧЖ танлов ғолиби этиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 59-моддасига асосан мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган.

Шу муносабати билан "Кварц" акциядорлик жамиятининг 2022 йил якунлари бўйича мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун "BALANS-INFORM-AUDIT" МЧЖ аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдорини 70 000 000 сўм белгилаш ва у билан шартнома тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш акциядорлар йиғилишидан сўралди.

**<u>Йиғилиш кун тартибидаги 3-масала</u>** *("Кварц" АЖ Ижро органи таркибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида.)* юзасидан йиғилиш раиси сўзга чиқиб, йиғилиш иштирокчиларига қуйидагиларни маълум қилди.

"Кварц" акциядорлик жамияти 2022 йил 27 октябрдаги 01-17/980-сонли хат билан мурожаат қилиб, жамият ижро органи фаолиятини янада такомиллаштириш ва оптималлаштириш режалаштирганлигини, ижро органи таркиби сонини 7 нафарга қисқартиришни (амалда 9 нафар), жамият Уставига хамда "Ижроия органи тўғрисида"ги Низомга ўзгартиришлар киритишни, жамият ижро органи аъзолари Р.Х.Кучкаров ва Ё.Х.Юсуфжоноваларни ижро органи таркибидан чиқаришни, шунингдек, бош мухандис С.С.Турсунбаев бошқа лавозимга ўтганлигини муносабати билан, ўрнига бош мухандис У.О.Халимжонов номзодини жамият ижро органи таркибига киритиш масалаларини Кузатув кенгаши томонидан кўриб чиқиш сўралган.

Мазкур масалалар Кузатув кенгашининг 2022 йил 29 ноябрдаги мажлисида кўриб чиқилиб, Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 79-моддасида, акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тайинланадиган жамият ижроия органи таркибига кирган шахснинг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, жамият Кузатув кенгашининг қарори билан белгиланган шахс унинг вазифаларини акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишигача бўлган даврда вақтинча бажариб туришига йўл қўйилиши белгиланганлигини инобатга олиб, тасдиқлаш учун жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишига киритиш тўғрисида қарор қилинган. Жумладан:

1. Жамият ижро органи фаолиятини янада такомиллаштириш ва оптималлаштириш мақсадида ижро органи аъзолари сонини 7 нафарга қисқартириш.
2. Жамият ижро органи аъзолари Р.Х.Кучкаров ва Ё.Х.Юсуфжонова ижро органи таркибидан чиқариш.
3. Жамият ижро органи аъзоси бош мухандис С.С.Турсунбаев бошқа лавозимга ўтганлигини инобатга олиб ижро органи таркибидан чиқариш, ўрнига бош мухандис У.О.Халимжонов ижро органи таркибига киритиш.

Юқоридагилардан келиб чиқиб таклиф этилаётган Ижро органи таркибига ўзгартиришлар киритишни тасдиқлаш жамият акциядорлари йиғилишидан сўралди.

**<u>Йиғилиш кун тартибидаги 4-масала</u>** *(Жамият Уставига хамда "Ижроия органи тўғрисида"ги Низомга киритилган ўзгартиришлар матнини тасдиқлаш.)* юзасидан Бошқарув раиси А.И.Буриев сўзга чиқиб, жамият ижро органи таркиби сонини 9 нафардан 7 нафарга қисқартирилиши муносабати билан жамият Уставига хамда "Ижроия органи тўғрисида"ги Низомга киритилаётган ўзгартиришлар матни лойиҳалари билан йиғилиш қатнашчилари таништирди (киритилаётган ўзгартиришлар матни лойиҳалари илова қилинади).

Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 59-моддасига асосан жамият Уставига хамда "Ижроия органи тўғрисида"ги Низомга киритилаётган ўзгартиришлар матнини тасдиқлаш акциядорлар умумий

йиғилишининг ваколат доирасига кириши белгиланганлиги муносабати билан ушбу киритилаётган ўзгартиришлар матнини тасдиқлаш жамият акциядорлари йиғилишидан сўралди.

**<u>Йиғилиш кун тартибидаги 5-масала</u>** *(Жамиятнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш)* юзасидан жамият Бошқарув раиси А.И.Буриев сўзга чиқиб, йиғилиш иштирокчиларига қуйидагиларни маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги “Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-146-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги “Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-81-сон Фармони хамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов раислигида ўтказилган видеоселектор йигилишида (19.05.2022.йил 109-сонли йиғилиш баёни) берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида, жамиятдаги хотин-қизлар қўмитаси ўрнига хотин-қизлар масалалари бўйича бошланғич ташкилоти ташкил этилди.

Шунингдек, инновация ва янги лойихалар бўлими ташкил этилди, тайёр маҳсулотлар омборлари маҳсулот турлари бўйича номланди, ишлаб чиқариш ва ёрдамчи бўлимлари номлари фаолият йўналиши бўйича қайта кўриб чиқилиб, жамиятнинг янги ташкилий тузилма лойиҳаси ишлаб чиқилди. Жамиятнинг янги ташкилий тузилмаси лойиҳаси билан йиғилиш қатнашчилари таништирилди (янги ташкилий тузилма лойиҳаси илова қилинади).

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 59-моддасига асосан жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига кириши белгиланганлиги муносабати билан ушбу янги ташкилий тузилмани тасдиқлаш жамият акциядорлари йиғилишидан сўралди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб белгиланган тартибда бюллетенларга белги қуйиш орқали ўз муносабатларини билдирилиши йиғилиш иштирокчиларидан сўралди.

**Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши томонидан**

## ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

**1. “Кварц” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.**

**Овоз бердилар: тарафдорлар – 86 633 946 овоз, қаршилар ва бетарафлар йўқ.**

1. Йиғилиш кун тартибидаги масалалар бўйича маърузалар учун 10 дақиқагача савол-жавоблар учун 10 дақиқагача, Саноқ комиссияси ишига 20 дақиқа вақт ажратиш орқали акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламенти тасдиқлансин.

**2. “Кварц” акциядорлик жамиятининг 2022 йил якунлари бўйича мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш тўғрисида.**

**Овоз бердилар:тарафдорлар – 86 633 946 овоз, қаршилар ва бетарафлар йўқ.**

1. “Кварц” акциядорлик жамиятининг 2022 йил якунлари бўйича мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун “BALANS-INFORM-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилотини жамият аудитори этиб белгилансин.

2. “BALANS-INFORM-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдорини 70.000 000 сўм белгилансин ҳамда аудиторлик ташкилоти билан ўрнатилган тартибда шартнома тузиш вазифаси “Кварц” АЖ ижроия органига топширилсин.

**3. “Кварц” АЖ Ижро органи таркибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида.**

**Овоз бердилар:тарафдорлар – 86 633 946 овоз, қаршилар ва бетарафлар йўқ.**

1. Жамият ижро органи фаолиятини янада такомиллаштириш ва оптималлаштириш мақсадида ижро органи аъзолари сони 7 нафарга қисқартирилсин.
2. Жамият ижро органи аъзолари Р.Х.Кучкаров ва Ё.Х.Юсуфжонова ижро органи таркибидан чиқарилсин.
3. Жамият ижро органи аъзоси бош мухандис С.С.Турсунбаев бошқа лавозимга ўтганлигини инобатга олиб ижро органи таркибидан чиқарилсин, ўрнига бош мухандис У.О.Халимжонов ижро органи таркибига киритилсин.

**4. Жамият Уставига хамда “Ижроия органи тўғрисида”ги Низомга киритилган ўзгартиришлар матнини тасдиқлаш.**

**Овоз бердилар:тарафдорлар – 86 633 946 овоз, қаршилар ва бетарафлар йўқ.**

1. Жамият Уставига хамда “Ижроия органи тўғрисида”ги Низомга киритилган ўзгартиришлар матни 1-2 иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

**5. Жамиятнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.**

**Овоз бердилар:тарафдорлар – 86 633 946 овоз, қаршилар ва бетарафлар йўқ.**

1. Жамиятнинг янги ташкилий тузилмаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

***Йиғилиш раиси томонидан кун тартибига киритилган масалалар тўлиқ кўриб чиқилиб, тасдиқланганлиги муносабати билан йиғилиш ёпиқ деб эълон қилинди.***

**Йиғилиш раиси** _______________ **Б.Б.Фарманов**

**Йиғилиш котиби** _______________ **Ғ.Мамаджонов**

*Баённома имзоланган санаси*
*«28» декабрь 2022 й.*